

УИ (Франц)
Ф77

Гюстав
ФЛОБЕР



СОПРАДАМ

уй (Франц)
Ф 77

Гюстав Флобер

СОДДАДИЛ

Қисса

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2012

УДК 821.512.133-3
КБК 84(4Фра)
Ф 77

*Рус тилидан
Илҳом Ҳофизов таржимаси*

Флобер, Гюстав.

Соддадил: қисса / Г.Флобер; рус тилидан И.Ҳофизов тарж.. —
Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2012. —48 б.

И. Ҳофизов, Илҳом (тарж.)

Эзгу инсоний гоялар билан йўғрилган мазкур қисса муаллифи Гюстав
Флобер француз адабиётидаги танқидий реализм йўналишининг бошида
турган улуғ адиблардан биридир. Унинг «Бовари хоним» романи билан
яхши таниш бўлган ўзбек китобхонлари «Соддадил» қиссасини ҳам мароқ
билан мўғалла қилишади, деб уйлаймиз.

КБК 84(4Фра)

ISBN 978-9943-03-419-8

© Фафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2012 й.



I

Эллик йил мобайнида Пон-л'Эвек аёлларининг Обен хонимга кўзи куйиб келди.

Йилига юз франк эвазига Фелисите пазандалик ва оқсочлик қилар, парранда боқар, кув пишиб сарёғ олар, аёл боши билан отни эгарлаб аравага қўша биларди. Шуниям айтиш жозикки, анчайин сўхтаси совуқ бекага у итдек содиқ эди.

Хонимнинг суқсурдеккина эри касодга учраб, шўришу надоматларни кўтара олмади. 1809 йилда омонатини топширгач, ундан вояга етмаган икки бола ҳамда бпр дунё қарз қолди. Шунда тул хоним Жефос ва Тукдаги нари борса беш минг франк даромад келтираётган фермаларини қолдириб, қолган амлокини сотди-да, Сен-Мелендаги уй-жойидан бозорнинг орқасидаги деярли таъмирталаб бўлмаган ҳовлисига кўчиб ўтди.

Оралиқ ва тор кўчалар ўртасидаги томи черепица бу уйдан шундоқ дарё бўйига чиқиш мумкин. Поли норавон хоналарда ҳамма қоқилиб-суриниб юради. Камбар даҳлиздан ўтиб бориладиган “зал”нинг деразаси ёнидаги кажава оромкурсида Обен хоним кунни кеч қиларди. Оққа бўяб чиқилган девор ёқалаб аргувон оғочидан ясалган саккизта стул териб қўйилган. Барометрнинг тагидаги анча уринган фортепяно устида картон кутилар бор. Сариқ мрамардан Людовик XV услубида ясалган каминнинг ҳар икки ёғини чўпонлар ҳаётини эслатувчи гобеленлар безаб турибди. Энг кўринарли жойга В е с т а э х р о м и *га

* Веста эҳром — қадимги рим мифологиясида веста-хонадон чироғи ва олов матбудаси; Веста эҳромда мангу олов сниб турган. (*Таржимон изоҳи.*)

Кейинги ўринларда изоҳлар таржимонники.

ўхшаш соат кўрк бўлиб тушган. Поли чорбоғ сатҳидан пастлиги боис уйнинг ҳар кунжидан моғор иси анқийди.

Иккинчи қаватдаги илк кенг-мўл хона “бойвучча” хонимники; деворларига нимранг гулқоғоз ёпиштириб чиқилган хонага “тўра”нинг пўрим либосдаги сурати илиб қўйилган. Кейинги чоғроқ хонада иккита болалар каравоти яланг турибди. Яккаш кулфлоглик турадиган меҳмонхона бўлиб, у ғилоф кийгизиб чиқилган мебелларга тўлиб кетган. Обнус оғочидан ясалган ёзув столи уч ёқдан китоблару иш қоғозлари билан қўршаб олинган. Одрани чизган ажойиб манзаралар Обенларнинг ўтмишда серҳашам ҳаёт кечириб келишганидан дарак беради.

Деразасиям яшил ўтлоққа қараган учинчи ошиёнадагиси бўлса Фелиситенинг хос хонаси эди.

Эрталабки ибодатини қазо қилмаслик учун Фелисите тонг оқаргандан туриб олар ва шомга довр тиним билмасди. Кечки ҳўракдан сўнг идиш-товоқларни саранжомлаб, эшик-тирқишларни ёпиб чиқар, ўчоқдаги чўққа кул сепгач, тасбеҳ ўтирган кўйи пинакка кетарди.

Бозор-ўчарда ҳеч ким Фелиситечалик талашиб-тортишмасди. Озодаликда оқсочлар орасида ундан ўтадигани топилмасди; у ўта харислик билан рўзғор тутар, ушоқларниям битта-битта териб оғзига соларди. Вазни ўн икки ф у н т * лик ўзи ёпган нон унга йигирма кунга етарди. У йил бўйи сочларини кўлутасининг остига жамлаб, бошининг орқасига тўғноғич билан санчиб қўяр ва устидан чит рўмол ўраб юрарди. Қолган энгил-боши кулранг пайпоқ, алвон юбка ҳамда кофтасини устидан боглаб қўйиладиган пешбанддан иборат эди.

Чувак юз, овози шанги аёл эди у. Йигирма беш ёшида қирққа кирганга ўхшаб кўринарди. Элликдан ошгач, унинг нечадалигини ҳам билиб бўлмай қолди. Қоматини ғоз тутиб

* Фунт — оғирлик бирлиги, салкам ярим килограмм (аниқроғи — 453,6 грамм) келади.

шошилмасдан қадам ташласа ҳам яккаш дамдӯз эди ва ҳар қандай ишни ёғоч автоматдек бажариб кетаверарди.

II

Ҳар бир кишининг ҳаётида бўлганидек, у ҳам шайдоликни бошидан ўтказди.

Гишт терувчи отаси ҳавозадан учиб кетиб ҳалок бўлгач, сал ўтиб онасиям омонатини топширди. Кейин опа-сингиллар ҳар ёққа тарқалиб кетишди. Увоқдай қизчани бағритош бир фермер ишга олди; у шўринг қурғур етимчани далага мол боққани ҳайдаб юборар, бола пақир жулдур кийимда совуқда дириллаб подачилик қилар, чанқаганда чўккалаб кўлоб сувидан ичарди. Бояқишни ноҳаддан айблаб нуқул дўппослашарди. Охири, арзимаган ўттиз су ўғирлаганликда айблаб ҳайдаб юборишди. Сўнгра қизалоқ паррандачилик фермасига ишга кирди. Бу ерда қизни уриб-сўкишмас, шундан кўплар унга ҳасад қилар эди.

Август оқшомларидан бирида бўй етган қизни танишлари яйраб келасан деб Кольвилга олиб боришди. Дарахт шохларидаги ранг-баранг чироқлар, олақуроқ либосларининг ёқасига ипак тўр ва бўйнига тилла бутча тақиб олиб, қўл-оёқларини чолғу усулига мослаб рақс тушаётган йигит-қизларни кўриб Фелиситенинг боши айланиб кетди. У ийманганидан давранинг бир четида турар, сал нарироқда эса башанг кийиниб олган бир йигит араванинг тирқишига суянганча қиздан кўз узмасди. У тамаки тутатганча қизнинг олдига келди-да, уни рақсга таклиф қилди. Сўнг уни олма виноси, қаҳва, обинон билан меҳмон қилди ва унга чиройли дурра олиб берди. Кеча охирида йигит қизни кузатиб қўйди. Суливорнинг этагига етганларидан у қизга тегажўқлик қила бошлади. Капалаги учиб кетган қиз бақириб юборди. Йигит ўзини тийиб орқасига қайтиб кетди.

Бирда кечга яқин Бомон йўлида кетиб бораётган Фелисите зичлаб пичан ортилган уловни қувиб ўтмоқчи бўлди ва ногоҳ аравакашни таниб қолди — у Теодор эди. Гуё ўрталаридан ҳеч гап ўтмагандай, у қизга яқин келиб ундан “ўшандаги густоҳлиги учун” узр сўради. Қиз нима дейишиниям билмас, бир кўнгли қочиб қолсамми дерди. Бироқ йигит бу йил ҳосил мўл бўлаётгани, унинг отасиям Кольвилдан Экодаги фермасига кўчиб ўтгани, шунингдек, у ерлик донгдор кишилар ҳақида бир боғдан, бир тоғдан келиб роса вайсади.

Бунга жавобан Фелисите чўзиб:

— Ҳа-а-а! — деб қўя қолди.

Шунингдек, йигит ота-онаси уни уйлантириб қўйишмоқчилигини, лекин сира шошилмаётганини, у эса кўнглига ёққан қизни олмоқчилигини айтди. Қиз уялиб бошини қуйи солди. “Ўзинг менга тегармидинг?” — деб сўради у қиздан. Фелисите жилмайганча, бировларнинг устидан кулиш яхши эмас, деди.

— Хаёлимнинг учига ҳам келгани йўқ! — деди йигит.

Йўл-йўлакай йигит қизни бағрига тортди; у ҳам моне-ликсиз ёнма-ён кетаверди. Улар одимларини секинлатишди. Сарин ел эсиб турар, бошлари узра юлдузлар имлашаётганга ўхшарди. Пичан ортилган арава чайқалганча бошвоқсиз кетиб бормоқда. Отлар ўз-ўзидан ўнгга бурилишди. Йигит тагин қизни қучоқлади, Фелисите бўлса уялиб кетганидан ўзини панага олди.

Хафта ўғиб Теодор қизни хилватдаги ёлғиз дарахтнинг ёнига келишини сўради. Фелисите гаҳ деса қўлига қўнадиган ойим-тиллалардан эмас эди. Чўпонликдан кўзлари пишиб кетган ор-номусли қиз ўз маъсумалигини сақлай биларди. Унинг тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатиши Теодорнинг эҳтиросини бағтар алангалатиб юборди ва у хансираганча муродини ҳосил қилишга интиларди (эҳтимол, унинг ҳис-туйғулари самимий бўлгандир). Ахийри у “Мен сенга уйланаман!” деганча қизни

аврашга тушди. Фелисите лаққа тушиб қолишдан кўрқар эди. Шунда йигит худони ўртага солиб қасам ичди.

Кўп ўтмай у қизнинг олдига бош эгиб келди. Ўтган йили ота-онаси уни аскарликка беришмоқчи бўлгани, бугун-эрта олиб кетишлари мумкинлигини, у бўлса ҳарбийга боришдан ўлгудай кўрқишини айтди. Йигитнинг юраксизлигини Фелисите вафодорликка йўйиб, Теодорни янаям қаттиқ севиб қолди ва кечаси унинг олдига қочиб борди. Йигит, ўламан саттор сендан бошқани демайман, сенсиз дунё қоронғи, ўзимни ўлдираман! деб унинг ишончини қозонди. “Префектурага бориб гап нимадалигини суриштириб биламан. Янаги яқшанбада кечаси ўн бир-ўн иккилар оралигида олдинга бориб ҳаммасини тусунтириб бераман”, — деди.

Белгиланган вақтда қиз унинг олдига чопди. Бироқ ошигининг ўрнига уни йигитнинг ошнаси кутиб турарди. “Энди Теодорни бошқа кўрмайсиз”, — деди у. — Аскарликни ўз бўйиндан соқит қилиш учун у туклик Леусе деган бойвучча кампирга уйланиб олганди.

Фелиситенинг кўзига дунё тор кўриниб кетди. У айюҳаннос солар, дарду аламини худога тўкиб ўкраб-ўкраб йигларди. Қиз саҳарга давур яйдоқ далада хунубийрон бўлди. Андак ўзига келиб олгач, фермага қайтиб бориб ишдан кетмоқчилигини айтди. Ойнинг адоғида сўнгги ҳисоб-китобларни амалга ошириб олиб, бор-йўғини рўмолига тутди-да, Пон-л’ Эвекка қайтиб кетди. Қовоқхона ёнидан ўтаётиб, ўзига ошпаз излаб юрган бева хоним билан сўйлашиб қолди. Гарчи пазандаликни эплай олмаса-да, у ўзини чаққонқўл ва камсуқум кўрсатиб, хонимнинг меҳрини қозонишга муяссар бўлди.

— Яхши, сизни оламан! — деди Обен хоним.

Ҳаш-паш дегунча Фелисите Обенларникига кўчиб ўтди.

Бошида Обенларнинг “яшаш тарзи” ҳамда раҳматли уй соҳибининг ёди Фелиситени жонсарак аҳволга солиб қўйди. Наза-

рида беканинг етти яшар ўғли Поль ва эндигина тўртга кирган қизи Виргиния унга худди қимматбаҳо нарсадан ясалгандек туюларди. Оқсоч уларни суйиб эркалатар, от бўлиб елкасига миндириб юарди. Аммо хоним: "Болаларни ҳадеб чўлпиллатиб ўнаверманг-да!" — дегач, унинг қаттиқ кўнгли ўксиди. Бироқ кек сақлаб ўтирмади, нима бўлгандаям бу ерда у ўзини бахтли ҳисобларди. Чунки боёқишнинг аламли кечмиши турмуш уммони-нинг осуда гирватида бир лаҳзада фарқ бўлиб кетганди.

Пайшанба кунлари хонимникига дўстлари б о с т о н* ўйнагани ташриф буюришарди. Уларнинг келишига Фелисите ҳамма нарсани тах-батах қилиб қўярди.

Ҳар душанба эрталабдан торкўчада яшовчи яканчи қасаба майдонига синган ва яроқсиз темир-терсақларини чиқариб ёйиб қўяр эди. Қасаба бир пасда отларнинг кишнаши, қўй-қўзиларнинг маъраши, чўчқаларнинг "хур-хури", улов ғилдирақларининг қуруқ тақир-туқурию одамларнинг ғовур-ғувурига омихта бўлиб кетар эди. Олди-сотди айни авжига минган чошгоҳда бозорга дароз, қирғийбурун жефослик кекса зироатчи Робелен олди соябонли қалпоғини гарданига тушириб олганча кириб келарди. Сал ўтиб бу ерда гирдигумдан келган туклик ширмойюз бақалоқ фермер Льебар кулранг куртка ва темир тепкили этикда намоён бўларди.

Улар Фелиситени пишлоқ ёки товуққа кўндирмоқчи бўлишар, бироқ у уларнинг иккаласини ҳам боплаб уялтириб қўяр, шунда қизга бўлган ҳурмати янаям жўш урганча улар ортига қайтиб кетишарди.

Кўпдан бери Обен хонимни кўргани хонумонудан айрилиб, бир тутамгина ерида яшаб келаётган фалезлик амакиси Маркиз де Греманвиль келиб турарди. У яккаш ҳамиша нонуштага ўтирганда оёқлари билан жиҳозларни ифлослайдиган п у д е л ь*ини етаклаганча кириб келарди. Маркиз ўзининг аслзодаларга хос

* бостон — қарта ўйинининг тури.

* пудель — хонаки ит зоти.

сулукатини сақлашга зўр бериб саъй қилар, ҳар сафар “Раҳматли падари бузрукворимиз” деганча шляпасини хиёл кўтариб қўярди. Тарки одат — амримаҳол деганларидек, у устма-уст мусаллас ичиб, ношоён ҳазиллари билан барчанинг гашига тегарди.

Фелисите бўлса:

— Бўлди-да, жаноб Греманвиль! Борақолинг энди! — деб унинг кавушини тўғрилаб қўяркан, кетидан эшикни маҳкам-лаб оларди.

Лекин у Обенларнинг кекса гумаштаси жаноб Бурега очиқ чеҳра билан пешвоз чиқарди. Мудом бўйнини оқ галстук ва ж а б о* безаб турадиган, эгнига сербар долчинтус сюртук ташлаганча, бармоқларини букиб бурунаки ҳидлаш пепатаси ҳамда калбошига бориб тақаладиган жанобнинг бутун андомини кўриб Фелисите ғалати бир ҳолатга тушар эди.

Буре “бойвучча хоним”нинг кабинетига соатлаб қамалиб олиб, ҳисоб-китоб ишларини юритарди. Ҳаммадан у ўз кадр-қимматини ерга уришдан қўрқарди. У суд ҳакамларига чуқур эҳтиром кўрсатиб, лотин тилини яхши билиши билан ифтихор этарди.

Болаларда илм-маърифатга мароқ уйғотиш учун ж. Буре уларга суратли жугрофия китоби совға қилди. Суратларда дунёнинг томонлари, бошига парранда патидан баргак тақиб олган одамхўрлар, қиз болани ўғирлаб қочаётган маймун, саҳродаги бадавийлар ҳамда гарпун билан кит овлаш манзаралари ўз аксини топганди.

Поль суратларда нималар тасвирланганини Фелиситега изоҳлаб берди ва шу билан оқсочнинг сабоги барҳам топди. Латиф ҳуснихати ҳамда қаламтарошини этигининг қўнжига ишқалаб чархлаши билан ном қозонган мискин мэрия хизматчиси Гуйёо болаларга таълим беради.

Ҳаво очиқ кунлари Обенлар эрта тонгдан ўзларининг Жефосдаги фермасига жўнаб кетишади. Пастқамликка давур эниб

*жабо — XVIII—XIX асрларда Франция, Испания ва Россияда русум бўлган эркаклар кўйлагини ўзига хос ёқаси.

кетган ферма ҳовлисининг олисдаги денгиз бўз рангда ястаниб ётибди.

Улар олдинги далаҳовлидан қолган ёлғиз уйчага бориб қўнишди. Фелисите саватдан яхна гушт олиб столга қўйди. Шу ерда суг ҳам бор эди. Деворга илакишиб қолган гулқоғозларни шамол тортқилаб ўйнайди. Фамгин хотиралардан дили хуфтон бўлган Обен хонимнинг боши қўйи солинган. Поль билан Виргиния ҳам ойисининг раёйига қараб индамай ўтиришибди.

— Ҳовлига чиқиб ўйнай қолинглар! — деди ойиси.

Улар чопа-чопа кетишди.

Поль хирмонга чиқиб қуш овлайди ва сувини лойқалатиб кўлмакларга тош отиб ўйнайди, катта-катта вино б и р м и л *ларини дўмбира қилиб чалади. Виргиния бўлса қуёнларга ҳўрак беради ва ўтлоқдан бўтакўз териб, уқасига ипак тўр урилган рангин иштончада у ёқдан-бу ёққа чопқиллаб ўйнайди.

— Қўрқманглар! — дея Фелисите уларни тинчлантирди.

Кечки куз кунларидан бирида улар ўтлоқлардан ўтиб уйга қайтишарди. Кўкнинг бир кунжини ҳилол ёритган. Тук дарёсининг қайирмалари узра бўйинбоғсимон туман ёйилиб бормоқда. Ўтлоқда дам олиб ётган яйдов буқалар ўтган-кетганга хотиржам боқарди. Бир маҳал учинчи яйловда ётган яйдов буқалар ўринларидан туриб келиб уларни ўраб олишди.

У афсун ўқиётгандек пичирлаб, ёнгинасидаги буқанинг сагрисини силай бошлади; жонивор ҳўркиб нари кетди ва шунда бошқалари ҳам тисарилмоққа тушдилар. Бироқ кейинги даладан даҳшатли бўкирик эшитилди. Улар туманда буқани кўрмай қолишганди. Битта ҳўкиз лорсиллаб аёлларнинг устига бостириб келаверди.

— Йўқ, йўқ, ундай эмас-да, ахир! — бақирди Фелисите.

Барибир қочиб қолмаса бўлмасди, чунки буқа пишқирганча уларнинг ортидан қувлаб келар, залворли тўёқлар босқон

* бирмил — бочка дегани (неологизм).

каби ерга гурсиллаб тушарди. Фелисите тўхтаб орқасига боқди, сўнгра жонҳолатда ажриқни тупроги билан қўпориб олиб, буқанинг юз-кўзларига отди. Ҳазабдан кўзлари қонга тўлган маҳлуқ шохдор боши билан ҳезланганча бўкириб юборди. Обен хоним эса бу пайтда бор кучи билан яйловнинг этагидаги баланд говдан болалари билан бирга ошиб ўтишга саъй қилар, Фелисите бўлса ортга тисарилиш баробарида ҳамон буқага қараб тупроқ отар эди.

— Бўлақолинг! Тезроқ! — дея бақирганча оқсоч уларни шошилтирарди.

Бека олдин Виргинияни, сўнгра Полни зовурга итариб юборди, кейин ҳаллослаб чопганча яйловнинг ён бағрига етиб бориб, катта қийинчилик билан юқорига тармашиб чиқиб олди.

Буқа Фелиситенинг юз-кўзларига сўлак сачратиб, уни қозиқ-говгача тақаб борди, — сал бўлмаса ҳўкиз уни ёриб ташларди. Бироқ аёл ўмбирлик қилиб қозиқлар орасидан ўтиб олган, баҳайбат ҳўкиз эса меровланганча бир жойда тош қотганди.

Воқеа анчага давур Пон-л' Эвекада оғиздан-оғизга кўчиб юрди.

Бундан Фелисите мағрурланиб кетмади; кўрсатган жасорати ҳаёлининг учига ҳам келмаганди. Фикри ёди Виргинияда эди унинг: кучли кўркувдан қизчанинг асабларига шикаст етганди. Врач Пупар, уни денгиз бўйига олиб боришликни маслаҳат қилди.

У замонларда Трувилни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаравермасди. Обен хоним сўраб-суриштириб, бу ҳам камдек ж. Бурё билан маслаҳатлашиб олди-да, олис сафар тарадудини кўра бошлади.

Йўлга тушмасларидан жамадонларни Льебарнинг аравасига ортиб жўнатиб юборишди. Эртасига Льебар етаклаб келган отлардан бирига Фелисите билан Виргиния, иккинчисига эса Льебар ва Обен хоним миниб олишди. Жаноб Лешаптуанинг шалпангқулоғига бўлса Поль ўтирар экан, у эшакни емиш ва сувдан қантариб қўймасликка ваъда берди.

Ийиги чиқиб кетган йўлнинг саккиз чақиримини икки соат деганда зўрга босиб ўтишди. Уловлар түпигигача лойга ботиб кетар, орқа оёқларини силтаб отиб шалтоқдан чиқиб олар, баъзан ўнқир-чўнқирларга мункиб кетиб, сўнг тагин йўлида давом этарди. Гоҳо Љебарнинг байтали бир жойда таққа тўхтаб қолар, то от юриб кетмагунча у сабр-тоқат билан кутиб турар ва йўлнинг четида жойлашган заминдорлар ҳақида сўзлар экан, қиссадан ҳисса чиқаришга ҳаракат қилар эди. Тук қишлоғидан ўтаётганда эса дераза тоқчаларидаги хонаки гулларни кўриб, ияк қоққанча деди:

— Шу уйда Леусе деган бойвучча хоним яшайди. Ёш бир йигитга рўзғор ишларини қилдириш ўрнига...

Фелисите гапни охиригача эшита олмай қолди; уловлар йўртиб кетишди.

Кичик карвон ғовни айланиб ўтиб, шалтоққа тушиб кетмаслик учун иккита болакай чиқиб олган уй бўсағасининг лабига бориб тўхтади.

Бекани кўриб Љебарнинг кампири ўзида йўқ хурсанд бўлди. У меҳмонларга дастурхон ёзди, уларни жўжа гўшти, ф и л ё*, қонли колбаса, кўпирадиган олма виноси, олхўри ароғи ҳамда мевали торт билан сийларкан, меҳмоннавозлик уй бекасининг Обен хонимга юзланиб, “ҳалиям сўлимгинасиз”, Виргиниянинг бошини силаганча “ҳурлиқонинг ўзи бўпти”, Полга қараб “сухсурдеккина йигитга” дўнганини айтиб мақтанганлари билан бўлиниб-бўлиниб турди.

Эр-хотин Љебарлар узоқ вақт Обенлар хонадонидида хизмат қилишгани боис уларнинг авлод-аждодлари ҳам ёлга олиб ўтилди. Љебарлар сингари ферма ҳам алмисоқдан қолган эди. Томининг сарровлари чириб, деворларини қурум босган, чанг-ғубордан полининг ранги ўчиб кетганди.

*филё — балиқ ёки биқин гўшtidан тайёрланадиган мазали таом.

Катта эман шкафда турли-туман иш қуроллари ва уй-рўзгор буюмлари, чунончи — кўзалар, идиш-товоқлар, бўри овланадиган қопқонлар, жун қирқиладиган қайчилар сақланарди. Ҳуқна қилинадиган катта нарсани кўриб болалар кулиб юборишди.

Фермага қарашли ҳар учала ҳовлидаги дарахтларнинг тагида кўзиқорин ўсиб ётибди. Дарахт бутоқларига чирмашиб чиқиб кетган манзарали о м ё л а* ўсимлигининг икки-уч дастасини шамол учуриб ерга туширган. Долчинтус духобага ўхшаб кетадиган похол ёйилган нотекис томларни кучли довуллар ҳам кўтариб кета олмайди. Бироқ аравахона буткул тўкилиб тушган. Обен хоним уни таъмирлаш кераклигини кўнглига тугиб, отларни эгарлашни буюрди.

Улар Трувилгача яна ярим соат юришди. Кичик карвон қош қораймасдан Экор қоядан ошиб ўтиши лозим эди.

Бир неча дақиқада улар Довуд кампирнинг соҳил бўйидаги “Олтин кўзичоқ” мусофирхонаси ҳовлисига кириб боришди.

Тез орада Виргиния денгиз соҳилида ўзини яхши ҳис қила бошлади. Иқлим ўзгариши ва денгизда чўмилиш қизчага ижобий таъсир этаётганди. Чўмилиш либоси ўрнига у енгил кўйлакча кийиб олди.

Пешинда улар эшакка мингашганча Энеквиль йўналишидаги Қора қоя сари йўлга тушишди. Тепага ўрлаб кетган сўқмоқдан паркнинг ям-яшил ўтлоқларига ўхшаб кетадиган баландпаст водийга чиқиб бордилар. Улар ортларида гоҳ яйлов, гоҳ ҳайдалган далаларни қолдириб кетишарди. Онда-сонда йўл четидаги тиканли буталарнинг қувраган шохлари кўм-кўк осмон фонида сокин чайқаларди.

Улар ўнг томонда Гавр, чап томонда эса Довиль шаҳарлари кўриниб турган ўтлоқда дам олгани тўхташди, шундоқ қаршисида денгиз ястаниб ётибди. Кўзгудек сийдам уммон қуёшда кўзни

*омёла — дарахт ва говларга чирмашиб ўсадиган манзарали ўсимлик.

қамаштиради, гарчи у осуда мавжланса-да, унинг мудроқ шовуллашини илғаш мумкин. Қайлардадир чуғурчиқлар сайрайди ва буларнинг ҳаммаси беҳадду бепоеън мунзал гумбаз бағрига сингиб боради.

Обен хоним ишпечини ёнига қўйиб нимадир тикиб ўтирибди, Виргиния қиёқ ўтларни эшиб алланималар тўқийди, Фелисите бўлса уларнинг олдига кучоқ-кучоқ хушбўй лаванда териб келади, ёлғиз Поль дилгирликдан уйини соғинган.

Гоҳо улар қайиқда Тукнинг нариги соҳилига сузиб ўтиб чиганоқ теришади. Тўлқинлар қайтган кезларда қиргоққа денгиз кирписи, медуза ва сув ўтлари чиқиб қолади; болалар шамол олиб қочаётган паға-паға кўпиклар кетидан қувлашади. Мудроқ босган тўлқинлар соҳил қумларини текислаш билан овора.

Соҳил нигоҳ илғагулик қадар олисларга чўзилиб борган, зеро қуруқликдан отчопарга ўхшаб кетадиган кенг ўтлоқдан иборат “Ботқоқлик” чегара вазифасини ўтайди. Улар келган йўлларида қайтишаркан, қир-ўнгирилларнинг ён багирларида ҳар қадамда бош кўтариб чиқадиған каттаю кичик уйларнинг ҳаммаси биргаликда Трувиль шаҳарчасини ташкил этади.

Жазирама иссиқда улар остона ҳатлаб чиқишмайди. Чароғон қуёш чийпардалар орасидан йўл-йўл тасмачалар ҳамда ичкарига нур сочади. Шаҳарча тараф жимжит. Пастда ҳам зог кўринмайди. Теран жимжитлик киши руҳига осойишталик бағишлайди. Олис-олислардан кемаларни таъмирловчи усталарнинг болга ва ускуналарни тақиллатиб ургани қулоққа чалинади. Денгиздан эсаётган шамол эритилган сақич исини олиб келади.

Ҳаммадан ҳам улар балиқчи кемаларнинг соҳилга қайтишини томоша қилишни яхши кўришади. Кемалар пўкак белгиларни четлаб ўтиб қирғоққа яқинлашаверади. Елканлар тушириб қўйилган эса-да, ф о к - м а ч т а*ники ҳамон пуфакдай

* *фок-мачта* — кеманинг олд қисмидаги мачта.

шишиб турибди. Баркаслар тўлқинда чайқалганча лангар ташлашга шайланмоқда. Кемалар тўхтагач, денгизчилар типирчилаётган балиқларни қиргоққа иргита бошлашди. Турнақатор араваларнинг ёнида туришган аёллар саватларини кўтарганча эрлари томон ошиқишади.

Битта аёл Фелиситега, у ёқда синглинг келиб сени кутиб ўтирибди, деди. Оқсоч севинганидан орқасига қараб чопди.

Эшикни очиши билан кўзи Настазига тушди.

Настази гўдагини кўксига босиб, ўнг қўли билан иккинчисини етаклаб келган, юнгаларнинг матросча қалпогини бошига қия қўндирганча тўнғизи дастини белига тираб олган эди.

Синглиси чурвақаларини етаклаб олганча гоҳ ўчоқбошида, гоҳ ҳовлида ҳадеб кўзга ташланавергач, Обен хоним уларнинг ковушини тўгрилаб қўйди. Яхшиям Настазининг эри кўринмади.

Жиянларига қаттиқ боғланиб қолган Фелисите уларга адёл, ичкийим, печка сотиб олиб берди. Улар андишасизлик билан холасининг елкасига миниб олишганди. Оқсочининг бағри кенглиги беканинг зардасини қайнатиб юборди; бу ҳам етмагандай жиянининг Полни “сенлаб” чақариши бекани қуюшқондан чиқариб юборди. Ҳаво айниб Виргиния йўтала бошлагач, Обен хоним Пон-л’ Эвекка қайтишга қарор қилди.

Хоним ўғлини коллежда ўқитмоқчилигини айтиб, жаноб Бурега маслаҳат солди ва Поль нуфузли билим юртларидан саналган Канн коллежига қабул қилинди. Катта шаҳарда кўп дўстлар орттириши мумкинлигидан йигитча беҳад мамнун эди.

Ўғлим ўқиб одам бўлиши керак, деб Обен хоним барча машаққатларга чидашга тайёр эди. Виргиния ҳам аста-секин акасини унута борди. Фелисите анчагача боланинг шўхликларини қўмсаб юрди, бироқ у энди ўзига янги овунчоқ топиб олганди: ийди Мавлуддан бошлаб у кунда қизчани илоҳиёт сабоқларига олиб борадиган бўлди.

У жомеъ эшиклари пойида тиззаларини хиёл букиб, баланд равоқли ибодат залига кириб борар, икки қатор ўриндиқлар орасидан холи жой топгач, бека билан ёнма-ён ўтирганча атрофга бир қур назар солиб чиқарди.

Клирос*нинг ўнг ёғини ўгил, чап ёғини қиз болалар тўлдирди бошлади. Аналой* ёнидан сарраҳиб жой эгаллади. Витраж*лардан бирида Биби Марямнинг боши узра Муқаддас Рух қанот қоқиб турган бўлса, бошқасида эса Биби Марям сабий Исо пойида тиз чўккан ҳолда тасвирланган, шоҳсупанинг табаррук соясида бўлса аждаҳони найза санчиб маҳв этаётган Архангел* Микоилнинг ёғоч санамидан бор эди.

Сарроҳиб аввал Сирри Илоҳийдан мухтасар баён қилди.

Фелиситенинг назарида равзаи ризвону Бобил минораси, Нуҳ тошқини-ю, чўққа айланган шаҳарлар, ер ютиб бораётган лак-лак одамлару чил-парчин этилган санамлар бирма-бир намоён бўла бошлади. Дам хуш, дам беҳуш манзаралар, бир ёқдан худо таоло унинг ҳам қалбини ўз тоатига мойил этаётганидан дарак берса, иккинчидан, гуноҳга ботаётган бандаларига нисбатан қаҳри ниҳоятда қаттиқлигини огоҳлантирмоқда эди.

Оқсоч аёл Исоийи Масиҳо чеккан жабру жафолар ҳақида эшитиб, изиллаб йиғламоққа тушди. Сабийларни жони жаҳонидан ортиқ кўргани, оч-юпунларга емак-киймак улашгани, сўқир кўзларни очгани, силаи раҳмда бемисл бўлгани ҳамда йўқсил бир оиланинг шалтоқ огилхонасида дунёга келишни ихтиёр қилгани учунми??

*клирос — насоролар жомеъасида хор аъзолари жойи.

*аналой — насороларнинг православ черковида плохий китоблар қўйилган столча.

*витраж — рангли шиша қопланган рамка.

*архангел — фаришталар ва маликаларнинг саркори.

Ерга уруғ сепиш, экин-тикинни сабр-тоқат билан парваришлаш — Таборак Инжилда баён этилган оддий турмуш ташвишлари ҳамда уй-рўзгор анжомлари бу аёл учун айро эмас эди. Худонинг биру борлиги жумлаи мўминларни рушди ҳидоятга йўллади. Шундан бери Фелисите кўзичоқларни аввалгидан-да кучли яхши кўради, тангрига қурбонликка аталгани боис Уни ҳамда Муқаддас Рухнинг тимсолига айланган кабутарларни алоҳида муҳаббат қўйиб ардоқлайди.

Фелисите Муқаддас Рух ҳақида дудмал тасаввурга эга эди: зеро у наинки парранда, балки ўт-олов қуши — самандар эди, оббаҳолам у илоҳий сабоҳ ҳамдир. Эҳтимол, қоронғи кечаларда ботқоқликлар лабида учиб-қўниб юрган ул ҳилқатдан зиё таралар; балки у қора булутларни ҳайдаб солувчи шамол ёхуд қўнғироқлар овозига илоҳийлик бағишловчи сасдир-садодир. Айни шу лаҳзаларда у жомеънинг тош деворларидан уфураётган соя-салқиндан роҳатланиб, унда ҳукм сураётган ҳузур-ҳаловатдан завқ-шавққа тўлиб бормоқда эди.

У ақидаларга мутлақо тушунмас, уларни тушуниб етишга-да саъй қилмасди. Муаллим роҳиб савол-жавоблар ёрдамида болаларга сабоқ берар, бу вақт мобайнида Фелиситени мудроқ босиб пинакка кетар, дарс тугаб болалар шоша-пиша оғоч бошмоқларини тақиллата бошлашидан уйғониб кетарди.

Устоз роҳибнинг Илоҳиёт сабоқларини тинглаб бораркан, оқсоч ҳам анча-мунча нарсага тушуна бошлади. Бегубор болалиги бировларнинг эшигида мол боқиш билан ўтган етимчага ким ҳам раҳнамолик қиларди. Энди бўлса у ҳамма нарсда Виргинияга иқтило қилар. қизчага қўшилиб рўза тутар, истиғфор айтарди. Исои Масихо чормихланган кунни иккаласи биргаликда ғам-ғуссага чўкиб нишонлашарди.

Виргинияни дафъатан чўқинтиришга олиб боришда уни тегран ҳаяжон чулғаб олди. Қизчанинг бошмоғи ва қўлқопини кийгизиб, қўлларига тасбеҳ ва ҳафтияк тутқизиб қўйиш ҳам



оқсоч учун ўта муҳим вазифа эди. Унинг ҳис-туйғулари жўшиб, қизалоқни кийинтиришда бекага қараша бошлади.

Бутун пешин ибодати мобайнида унинг жони ҳалакда бўлди. Ж. Буре гавдаси билан клироснинг битта ёғини тўсиб қўйганди. Тўғрида эса ҳижоби устидан оқ баргакдан гулчамбар тақиб олган қизлар қорли далага ўхшаб оқариб кўринади. Фелисите анча наридан ўз нури дийдасидан мўътабар қизчани зингил қараганча бутун диққатини бир нуқтага жамлаб турганидан таниб қолди. Кўнғироқча чалиниб, бошлар қуйи солинди ва атрофга теран сукунат чўмди. Хонишчилар орган садолари остида намозхонларга қўшилиб, “Тангрига аталган кўзичоқни” куйлашга тушдилар. Сўнгра ўғил болалар виқор билан юриб кетди ва уларнинг кетидан қизлар ҳам эргашишди. Улар қўл қовуштириб чароғон меҳроб пойига қадам-бақадам яқин келиб, сарроҳибнинг оёқлари остига тиз чўкишар ва унинг ридоси этагидан тавоф олишгач, яна шу тартибда жойларига бориб туришарди. Навбат Виргинияга келганда Фелисите уни яхшироқ кўриб олиш учун пастга эгилди. Тангрига ишқи чинакамлигидан тахайюлининг комиллиги ўлароқ шу топда унинг ўзи қизчага эврилиб қолгандек бўлиб туюлди. Қизчанинг орази гўё унга кўчиб ўтгандек, баайни кўксига ҳам сабийнинг жажжи юраги тепаётгандек, ҳаттоки эгнига ҳам қизалоқнинг либосини илиб олгандек эди. Виргиния огизчасини очиб, чашмани юлиб олган лаҳзаларда Фелисите ҳушидан кетишига сал қолди.

Фелисите эртасига тонг пайти жомеъга кириб борди ва руҳонийга алоҳида истиғфор келтирмоқчилигини айтди. У гарчанд астойдил тавба-тазарру келтирган эса-да, барибир кечагидек қалби таскин топмади.

Обен хоним қизини баркамол қилиб вояга етказмоқчи эди. Гуйёо унга на мусикадан, на инглиз тилидан етук билим бера олди. Шундан сўнг Обен хоним уни Гонфлёрдаги қизлар пан-

сиониди ўқитишга қарор қилди. Виргиния итоат этишга мажбур эди. Фелисите оғир бир сўлиш олди — у бекани бағритошликда айбларди. Эҳтимол, бека ҳақдир, ахири бу нарсаларга умуман тушунмайман, деб ўзини овутган бўлди у.

Бирда кўча эшигининг олдига эски извош келиб тўхтади — ойимқизни олиб кетгани пансион роҳибаси келиб эди. Юкларни уловнинг томига жойларкан, Фелисите жиловдорга тегишли кўрсатмалар бериб, ўтиргичнинг тагига олти банка мураббо, беш-ўн дона нок ҳамда бир даста бинафша солиб қўйди.

Виргиния ойиси билан хайрлашаркан, ўпкаси тўлиб ҳўнграб юборди; у ойисини маҳкам кучоқлаб олганди, бека эса жигаргўшасининг пешанасидан ўпиб қўяркан, ҳадеб:

— Бўлди, бўлди, етар! — деб такрорларди.

Пиллапоя йиғиб олингач, извош жойидан жилди. Айрилиқни кўтара олмаган бека ҳўшидан кетиб йиқилди. Кечқурун унинг кўнглини тинчитгани уйига Лормолар, Лешаптуа хоним “ўша ойимтилла” Рошфейлар, де Гупвиль ва Буре жаноблар келишди.

Аввалига айрилиқ сабаб беканинг кўнглига қил ҳам сиғмай юрди. Яхшиям у ҳафтада уч марта қизидан мактублар олиб турар, унинг хатларига жавоб ёзар, чорбоғни айланиб, бир оз мутолаага берилар, шу аснода вақтини ўлдирар эди.

Эрталаблари Фелисите одатан Виргиниянинг хонасига кириб, ҳаммаёққа кўз солиб чиқарди. У энди қизалоқнинг сочини ўриб, бошмоғининг боғичларини боғлаб қўя олмаслиги, уни тўшакка ўзи ётқизиб сўлим чехрасига меҳр билан боқолмаслиги ҳамда қўлчасидан тутиб кўчага чиқолмаслигидан надомат чекарди. Бўш ўтирмаслик учун у ипак тўр тўқиб кўрди: аммо панжалари дағаллигидан нафис ип толалари дам-бадам узилиб кетаверди. У саранг аҳволга тушиб қолди, уйқусизлик дардига йўлиқди, ўзи айтганидек, “дунёдан этак силкиди”.

“Дилининг гўборини ёзиш” учун у бекадан уйга баъзи-баъзида жияним Виктор келиб турса майлими, деб сўради.

Якшанба кунлари пешин ибодатидан кейин кириб келади-
ган ширмой юз, қўйлагининг олди очиқ жиянидан ям-яшил
далаларнинг ифори таралиб турарди. Фелисите жияни билан
бақамти ўтириб тушлик қилар эди. У тежамкорлик вазидан
кам еб-ичар, лекин боланинг оғиз-бурнидан тикқани-тиққан
эди. Охири жияни донг қотиб ухлаб қоларди. Шом ибодатига
жом чалиниши ҳамон Фелисите уни уйғотар; уствошини тоза-
лаб, бўйинбогини тақиб қўяр ва оналарга хос ифтихор билан
Викторнинг илкига таянганча черковга йўл оларди.

Викторни ота-онаси ҳар сафар унга холагникидан бир қути
шакарми, бир бўлак совунми, бир шиша ароқми ундириб кел,
ҳечқурса озроқ пул сўра, деб тайинлашарди. Бола ҳар гал хола-
сига қўйлаги ё шимини кўтариб келар, хола ҳам жиянини яна
қўришга баҳона топилганидан боши осмонга етарди.

Августда отаси Викторни ўзи билан бирга денгиз сафарига
олиб кетди. Ёзги таътил пайти эди. Бироқ Виргиния билан
Полнинг таътилга келиши оқсоч аёлнинг кўнглини кўтарди.
Лекин Поль тегма-нозик бўлиб қолган, Виргиния ҳам анча
улгайиб, энди унга мулозамат кўрсатишга тўғри келарди. Ака-
сингил бир-биридан уяладиган ёшга етган эди.

Виктор кемада Морль, Дюнкерк ва Брайтон порт шаҳарла-
рида бўлди. Сафардан қайтишда у албатта Виргинияга нимадир
олиб келарди. Даставвал у қизга чиганоқлардан ясалган қутича
совға қилди, кейин финжон ва учинчи сафар ўйинчоқ шакли-
даги ширинкулча олиб келди. Энди Виктор ҳам бўй-баста ке-
лишган, мўйлаби сабз уриб, мунис ва покдомон кўзлари кулиб
турадиган бўлганди. У олди соябонли чарм қалпоқ кийиб, уни
л о ц м а н *ларга хос гарданига тушириб олиб, сафар таассурот-
ларини ҳикоя қила бошларди; ҳикояси тушуниксиз атамаларга
тўлиб кетар эди.

*Лоцман — денгизчиликда махсус билим ва тажрибага эга бўлган му-
тахассис.

1819 йил 14 июль душанбада (аёл бу санани унутмаганди) Виктор холасига индин п а к е т б о т* да Гонфлёрдан Гавргача, у ердан ш х у н а*да икки йиллик денгиз сафарига жунаб кетяпман, деди.

Бу хабардан Фелиситени гам босди. Чоршанбада у беканинг кечки овқатини бериб бўлгач, ёғоч таглик бошмоғини оёғига илганча Гонфлёргача бўлган тўрт милялик йўлга тушди.

У к а л ь в а р и й*га чиқиб олиб, билмасдан чапга эмас, ўнгга қараб кета бошлади ва в е р ф ь* лар орасида адашиб яна ортига қайтди. Порт ишчилари, шошилмасангиз жиянингизни кўролмай қоласиз, дейишди. У йўгон занжирларга қоқилиб-суриниб, таъмирталаб кемаларга тўлиб кетган д о к*ни четлаб ўтди-да, порт лабига тушиб борди. Кемага ортилаётган отларни кўриб ўтакаси ёрилай деди.

Соҳилдаги бошқа отлар хуркиб кишнай бошлади. Денгизни кўриб жониворларни ваҳима босганди. Олма виноси солинган идишлар, сават-сават пишлоқлар, қоплардаги дон-дунлар оралаб йўловчилар туртиниб-суртиниб ўтишар, ҳаммаёқни ғовур-ғувур кема сардорининг сўкингани, товукларнинг қақалагани тугиб кетган. Анча нарида лангар мосламасига суяниб турган ёш денгизчини кўриб, таниса-танимаса “Вииктоо!” дея отоқлаб чақирди. Йигитча бошини кўтариб қаради, аёл у томонга талпингани ҳамон трапни йигиб олиб қўйишди.

Аёллар қўшиқ айтиб кемани очиқ денгизга кузатмоқда эдилар. Залварли тўлқинларнинг босимидан кема корпуси қисирлаб кетди. Елканлар шамолда қаппайиб, палубадагиларни тўсиб қўйди. Ойнинг шуъласида уммон сирти қумундек ярқираб, кема

*Пакетбот — унча катта бўлмаган денгиз алоқа-йўловчи кемаси.

*Шхуна — икки ёки уч маятали елканли кема.

*Кальварий — дугатлардан топилмади.

*Верфь — кемалар қуриладиган ва таъмирланадиган корхона.

*док — кемалар созланадиган жой.

соҳилдан узоқлаша боргани сайин кичиклашиб, аста-секин йитиб кетди.

Фелисите кальварий ёнидан ўтиб бир жойга бориб тўхтади: чашмини осмону фалакка қаратганча худога ёлвориб, энг азиз кишиси — омонат жиянининг ҳаётига паноҳ сўради, кўзларидан дув-дув ёш тўкиб Парвардигорга узоқ тавалло қилди. Гарчи бутун шаҳар осуда уйқуда бўлса-да, бироқ божхона ходимлари сергак туришарди. Ш л ю з* раҳнамоларидан тинимсиз қуйилаётган сувнинг шалдираши шаршара шовуллашини эслатади.

Соат икки. Бу пайтда монастиргаям киритишмайди. Айтган вақтдан кечикиб борса бекадан роса гап эшитишини ўйлаб дарҳол йўлга тушди ва меҳмонхона малайлари энди-энди кўз уқалаб уйғонаётганда Пон-л' Эвека кириб борди.

Фелиситени ҳаёлидан мудом жияни кўтарилмасди. Бола пақир энди ойлаб уммонларда сузади! Авваллари холаси ундан кўп ҳам хавотир олавермас эди. Зотан одамлар Англиядан ҳам, Бретанидан ҳам қайтиб келишяпти, бироқ олис Америка, мустамлака ороллар — буларнинг ҳаммаси одам оёғи етмаган дунёнинг бир чеккасида эди.

Шу-шу Фелисите яланг жиянини ўйлайди. Кун қизиганда боёқишни ташналик қийнаяпти, деб ичи ачиса, момақалдироқ гумбурлаб, йилдирим чаққанда, болани чақмоқ уриб ўлдирма-сайди, деб қўрқарди. Мўриконда шамол увиллаб, уйнинг томини кўтариб кетган кезларда эса худди уларнинг кемаси ҳалокатга учраб, Виктор мачта оғочига осилиб жон сақлаётгандек бўларди. Баъзан аёлнинг ёдига суратли жуғрофия китоби тушиб, гўё жиянини одамхўрлар гажиётган, ё бўлмаса маймунлар ўрмонга судраб кетаётган, ёхуд у кимсасиз соҳил бўйида жони узилаётгандек намоён бўларди. Лекин бу ҳақда у ҳеч кимга оғиз очмасди.

*ш.люз — сув сатҳининг баланд, пастлигига қўра кемалар, йўналишини тартибга солиб турадиган гидротехник иншоот.

Обен хоним бўлса нукул қизининг ғамини ер эди. Роҳибалар Виргинияни ёқимтойгина, лекин рамақижон экан дейишди. Жиндай дилгирлик ҳам қизчага ёмон таъсир қиларди, шу боис у мусиқа сабоғини ҳам йиғиштириб қўйди. Бека роҳибаларга, қизимнинг аҳволидан хабар бериб турунглари, деб тайинлади. Бирда монастирдан хабар келмай қолса бўладими. Бека таҳликага тушиб у ёқдан-бу ёққа танда қўяр, оёғи куйган товукдай типирчилар эди. Э Худо, бу не кўргулик! Тўрт кундан бери на хат, на хабар бор.

Хонимга таскин бериш учун оқсоч ўзидан қиёс келтирди.

— Бекам, ҳадеб эзилаверманг, мана менга ярим йилдан бери хат келмайди.

— Кимдан келмайди?

— Кимдан бўларди, жиянимдан-да! — очиққўнгилик билан деди Фелисите.

— Э, ҳа, ўша жиянингизданми? — беписанд қўл силтади Обен хоним.

“Билмабманам!... Дарвоқе жиянингиз билан мени неча пуллик ишим бор! Ялангоёқ, денгизчиларнинг бир малайи-да ўша, шунгаям ота гўри қозихонами! Мана менинг қизим... Ахир бу...”, — деганча бека хонада юра бошлади.

Кичкиналигидан бағритошлик, бемехрликка қўниқиб келган Фелисите барибир ўксинди, лекин кейинчалик буни унутиб юборди. Жигаргўшасини деб хоним бошини йўқотиб қўйиши табиий ҳол эди.

Виргиния ҳам, Виктор ҳам оқсоч аёл учун бирдек ардоқли эди. Уларнинг иккаласига ҳам худди ўз оналари сингари меҳр-муҳаббат қўйган ва ҳар икки ёшни ҳам олдинда бир хил қисмат кутаётган эди.

Аптекани газетадан Виктор хизмат қилаётган кема Гаванага етиб боргани ҳақида ўқидим деди. У ерликлар сигара чекишдан бошқа ниманиям биларди, деб ўйлади оқсоч. Ҳойнаҳой

Виктор ҳам шу топда ҳабашлар билан бирга тамаки бурқситиб юргандир. Аёл андилик билан “Гавана дегани бу ердан узоқми? Зарурат юзасидан орқага қуруқликдан қайтса бўладими”, — деб сўради. Жаноб Бурё столга дунё харитасини ёйиб қўйиб, меровланганча турган Фелиситега бир фурсат масҳараомуз тикилиб қолди-да, сўнг қаламининг учини аранг илғаланадиган тухумсимон нуқтага нуқиди ва “Мана ўша жой!” деди.

Фелисите харитага энгашди, кесишган рангин чизиқлардан кўзлари жимираб кетди: у анграйиб қолди.

— Ниманидир сўрашдан истиҳола қиялпсиз-а? — деди жаноб Бурё.

— Менга Виктор қўнган уйни кўрсатсангиз?

Бурё акса уриб юборди, кейин қўларини бир-бирига уриб ўзини тўхтата олмай кула бошлади, — аёлнинг гўллиги унинг завқини келтириб юборганди. У нега кулаётганини Фелисите тушунмас, ҳатто шу топда аёл жиянининг сурагини кўришдан ҳам хомтама бўлаётганди. Ҳамин қадар авом эди у.

Икки ҳафтадан сўнг Льебар одатдагидек тўғри ўчоқбошига ўтиб, оқсочнинг қўлига куёвидан келган мактубни тутқазди. Льебар-да саводсиз эди, шу боис аёл хатни бекасига олиб борди.

Обен хоним ишиечини четга суриб қўйиб, хатга бир кўз югуртириб чиқди-да, оҳиста деди:

— Сизга ёзишларича,... Э худо, жиянингиз... оламдан ўтибди. Хатда бошқа ҳеч нарса дейилмаган.

Фелисите курсига қулаб тушди, бошини ёғоч тўсиққа қўйганча, бир зумда қизариб кетган кўзларини юмиб олди. Унинг боши ва қўллари осилиб тушган. кўзларини бир нуқтага тикканча дам-бадам:

— Вой шўрликкина-я! Вой бечора-я! — дея бот-бот такрорларди.

Льебар унга қараб чуқур сўлиш олди. Беканинг елкалари хиёл силкиниб қўйди.

У Фелиситега, Трувилдаги опангизникига бориб келсангиз, бир оз енгил тортармидингиз деди.

Фелисите нима фойдаси бор дегандек қўл силтаб қўйди.

Орага жимлик чўкди. Уни ёлғиз қўйиш жоизлигини фаҳмлаган одамжонли Льебар эшикка талпинди. — Уларга барибир! — деди оқсоч ўзича.

Сўнг бошини тагин осилтирганча, ўзиям англамаган ҳолда кизак пилтакачларни ўйнаб ўтираверди.

Ҳовлида устига кирлар ёйиб қўйилган хода кутарган аёлларни кўриб, ўзининг кирлари кечадан буён жомашовда ивиб ётганини эслади-да хонадан чиқди.

Кир ювиш жиҳозлари Тук соҳилида ётарди. У енгини шимариб, бирмилда ивиб ётган кир-чирларини дарё бўйига ағдариб ташлади-да, бор кучи билан калтаклай кетди. Кучли зарб садоси атроф-жавонибга ёйилиб борарди.

Теварак ҳувиллаб ётибди; шамол дарё сувини мавжлантирар, ўсиқ ўт-ўланлар худди чўкиб ётган ўликнинг сочларига ўхшаб эшилиб-эшилиб чайқалади. Фелисите тишини-тишига босиб, бўғзига тиқилиб келаётган хўрсиниқни ташига чиқармай кечгача чидаб юрди, аммо кечқурун хонасига кириб келгач, ўзини тушакка юзтубан ташлади-да, юз-кўзларини ёстиққа босиб ҳис-туйғуларига эрк бериб юборди.

Орадан анча ўтиб, кема сардори Викторнинг ўлимини тафсилотларигача сўзлаб берди. Виктор сариқ безгакка чалиниб, касалхонада ундан ниҳоятда кўп қон олиб юборишган. Оёқ-қўллари-дан тўртта доктор босиб турган йигит бир лаҳзада жон берган.

— Ана! Тагин биттаси тайёр! — деган бош врач ўшанда.

Ота-онасидан хўрлик-зорлик кўриб катта бўлган эди у. Шу боис Фелисите улар билан алоқани узиб юборган, улар ҳам жим бўлиб кетишганди. Оқибатсизликданми ёки қашшоқларга хос багритошликданми, ҳарқалай, улар Фелиситени унутган эдилар.

Бу орада Виргиниянинг соғлиғи ёмонлашаверди: нафас бўғилиши, йўтал, муттасил эт увишиши, ёноқларидаги доғлар касаллик жиддийлигидан дарак бериб турарди. Жаноб Пупарнинг маслаҳатига кўра Виргинияни Провансга олиб борадиган бўлишди. Пон-л’ Эвекда иқлим мўътадил бўлганда, Обен хоним қизини у ёққа зинҳор жўнатмасди.

Извошчи бекани ҳар сешанбада Провансга олиб бориб келадиган бўлди. Монастир чорбоғидан Сена дарёси шундоқ кўзга ташланиб туради. Виргиния ойисининг қўлтиғидан олиб, узум баргларини бир-бир босганча одим ташларди. Баъзан булутлар орасидан офтоб мўралаб қолар, шунда қиз кўз-юзларини жийириб, Танкарвиль қалъасидан Гавр маёғигача чўзилиб кетган олис уфққа тикилиб қоларди. Кейин она-бола ям-яшил буталар чирмаб олган шийпончада дам олгани ўтиришарди.

“Манави винодан татиб кўргин-а”, — дейди ойиси унга ичимлик солинган идишни узатаркан. “Сархушланиб қолмайин тагин”, — деган иштибоҳда Виргиния ажойиб малагадан икки ҳўпламгина тотиб қўярди, холос.

Виргиния энди тузалаётган, куч-қувватга эниб бораётган эди. Куз ҳадик-хавотирсиз ўтди. Фелисите бекага далда берар, бироқ бирда қош қорайганда у қаергадир юмуш билан кетиб қайтиб келса, кўча эшигининг олдида ж. Пупарнинг к а б р и - о л е т *и турган экан. Врач остонада турганча йўл тадоригини кўраётган Обен хонимни кутмоқда эди.

— Ҳамёним билан қўлқопимни узатиб юборинг, тезроқ! — деди бека оқсочга.

Виргиния зотилжам бўлган, эҳтимолки тузалмасди ҳам.

— Оғир ётибди, — таъкидлади врач Пупар.

Қор бўралаб ёғар, ҳаво жуда совуқ эди. Обен хоним билан жаноб Пупар шом гира-ширасида йўлга тушдилар.

* Кабриолет — битта от қушилиб, жилвдорнинг жойи бўлмаган икки гилдиракли снгил извош.

Фелисите худодан ўзи ва бекасининг дилига умид, Виргиниянинг дардига шифо сўраб шам ёққани черковга чопди. У ердан чиқасолиб кабриолетнинг ортидан югурди ва бир соатда унга етиб олди. “Ҳаммаёқни очиб-сочиб ташлаб қаёққа кетяпман ўзи? Тагин ўғри тушиб...”, деган ҳадикда аравадан сакраб тушиб қолди.

Эртасига сўфи азон айтмасдан Фелисите докторникига жўнади. У монастирдан қайтиб келиб, касал кўргани қишлоққа кетганди. Фелисите қовоқхонада монастирдан хабар келишини кута бошлади. Хат-хабар бўлавермагач, эрта тонгда Лизьедан келатган дилижонга ўтириб Провансга жўнаб кетди.

Монастир тоққа тик кўтарилиб борадиган жинкўчанинг адоғида жойлашганди. Етай деганда Фелиситенинг кулогига галати овозлар чалинаверди — бу мотам садолари эди.

“Биронтаси омонатини топширгандир-да!” деган хаёлга борди у. Етиб боргач эса эшикни қаттиқ қоқа бошлади.

Ийиги чиқиб кетган бошмоғини шапиллатганча кимдир келиб эшикни очди. Одамжон роҳиба ғамбода сиёқда, Виргиния “ҳозиргина дорилбақога кўчиш” қилди, деди. Авлиё Леонар жомлари янаям баралла жарангламоққа тушди.

Фелисите бинонинг учинчи қаватига кўтарилди.

Нозик қўлчалари кўксига тахлаб қўйилган Виргиния оғзини очганча тепага қараб ётарди; боши узра, гарчи унинг юзларидек оппоқ бўлмаса-да, бироқ андоми сингари қилт этмай турган пардалар орасидан қоп-қора бут осиб қўйилганди. Обен хоним эса қизининг оёқларини қучганча унсиз йиғлаб ўтирарди. Хонани уч томондан шамлар ёритиб турар, маййитнинг ўнг ёғидан а б а т и с с а* жой олганди. Роҳибалар келиб Обен хонимни ташқарига суяб чиқиб кетишди.

Фелисите икки кеча мурданинг ёнидан жилмади. У нуқул бир хил сураларни такрорлар, тўшакни муборак сув билан пок-

* Абатисса — католикларнинг аёллар монастри ходимаси.

лаб, маййитдан кўз узмай ўтирарди. У эртасига мурданинг туси зардайиб, лаблари кўкариб кетганини, бурни ҳам сўррайиб, қовоқлари ичига тортиб чуқурлашганини кўрди. Аёл бир неча топқир қизчанинг юз-кўзларидан ўпиб қўйди. Башарти шу топда Виргиния кўзларини катта очиб юборганда ҳам, Фелисите хориқулда бу ҳодисадан даҳшатга тушиб қолмас, буни оддий бир ҳол деб, қабул қилган бўлар эди.

Фелисите мурдани яхшилаб кийинтирди: сочларини тараб ўриб қўйди; сўнг тобутни ичига кафан тўшаб, қизни ётқиздида бошига чамбар кўндирди. Виргиниянинг сочидан анчагинасини қирқиб олиб, кўкракларининг орасига яширди, зеро қизнинг оқ малла сочлари ёшига нисбатан ниҳоятда узун эди.

Обен хонимнинг хоҳиш-истагига кўра марҳуманинг жасадини Пон-л' Эвека дафн этадиган бўлишди. Бека усти ёпиқ извошда тобут ортилган уловнинг ортидан изма-из борар эди.

Жаноза ўқиб бўлингач, маййитни қабристонга етказгунаррича чораккам бир соат вақт ўтди. Ҳаммадан олдинда Поль йиғлаб борар, ундан орқароқда ж. Буре, янаям кейинроқда Пон-л' Эвек пешволари, бошларига мотам матоси ташлаб олган аёллар ҳамда Фелисите оҳиста қадам ташлашарди. Шу чоғда ҳам у сўнгги бор иззат-икром кўрсатолмаган жиянини ўйлаб борар ва бамисоли Виргиния билан бирга Викторни ҳам сўнгги йўлга кузатаёпмиз, деб хаёл қилар эди.

Оғир мусибатдан Обен хоним адойи тамом бўлди.

У навҳа қилиб худога зорланди; бағримдан жигаргўшамни юлиб олиб, юрагимни сўзон айладинг, беайб, бегуноҳ қизимни қаро ерга тикдинг. ахир унинг виждони пок. ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бўлса? — деб айтиб йиғлади. Аввал бошдан боламни жанубга олиб кетиб, у ерлик шифокорларга қаратганимда, эҳтимол ўлмасмиди? Эй Худо, эртароқ жонимни олақолсанг-чи, зора қизалогим билан топишсам...” деб ўнгида ҳам, тушида ҳам тангрига тавалло қилди. Бека яланг бир хил туш

қўриб чиқарди — олис денгиз сафаридан қайтиб келаётган эри унга йиғлаб-сиқтаб, менга Виргинияни тутиб кетиш буюрилган, икковлашиб уни ҳеч ким топа олмайдиган жойга яшириб қўйишимиз керак, деб зор қақшар эди.

Бирда Обен хоним юрагини ҳовучлаганча чорбогдан чопиб келди. Бека: “Ҳозиргина у ёқда эрим билан қизимни учратдим (ҳатто улар турган жойни ҳам кўрсатди), улар лом-мим демасдан менга қараб туришарди”, — деди.

Шундан кейин бека ҳамма нарсасига этак силкиб, ойлаб хонасида қамалиб ўтирди. Фелисите унга оғир ботмайдиган оҳангда “ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак, наинки Поль, балки “унинг” ёдини эъзозлаш учун”, — деди.

— “Унинг” дедингизми? — худди оғир уйқудан уйгонгандек қайта сўради Обен хоним, — Э-ҳа!... Дарвоқе сиз уни унутмасиз!

Бека оқсочига зинҳор-базинҳор қабристонга бормасликни тайинлаган ва ҳозир ҳам шунга ишора қилаётганди.

Фелисите қабристонга ҳар куни борар эди. У соат тўртда уйдан чиқиб, жин кўчалар оралаб тепаликка кўтарилиб, қопқадан ичкарига ва у ердан тўғри Виргиниянинг қабри сари борар эди. Ёдгорлик лавҳасининг тепасида пушти мрамардан устунча ўрнатилганди, лавҳа билан гулзор гирдини занжир ўраб олган. Фелисите чўккалаб гуллар тагини юмшатди, янги қум сепиб яна сугориб ҳам қўйди. Обен хонимнинг ўзига рухсат берилгач, у бу ерга тез-тез келиб турадиган бўлди: қабристон беканинг дили ҳушига айланди.

Кейин бўлса якнасак йиллар алмашилиб келаверди: Пахса, Ийди кулли авлиё ва Успение каби катта сайиллар ўзининг шуқуҳи, кўлами билан ёдда қоларди. Обенлар хонадонида юз берган воқеалар, чунончи 1825 йилда икки бўёқчи йўлакни бўяб чиққани, 1827 йилда томнинг бир чети қулаб тушиб кимнидир босиб қолай дегани, 1828 йилнинг ёзида хоним одамларга ош берганигача ҳаммаси унутилмаган эди. Бу пайтга ке-

либ ж. Буре сирли равишда ғойиб бўлган, эски қадрдонлари — Гуййо, Льебар, Лешаптуа хоним, Робелен, Греманвиль амакиларнинг қазосини худо бирин-кетин қаритган эди.

Бир оқшом м а л ь п о с т* чиптачиси Пон-л' Эвекка Июль инқилоби ҳақида хабар келтирди. Сал ўтиб, шу чоққача Америкада консуллик вазифасини ўтаб келган барон де Ларсоньер янги с у п е р ф е к т* этиб тайинланди. Рафиқаси, қайинэга-чиси ва уч нафар ёшлари ўтинқираб қолган қизларидан иборат эди бароннинг оиласи. Қизлар енгил либосда сайр қилгани тез-тез чорбоққа чиқиб туришарди. Бундан ташқари улар уйда битта ҳабаш хизматчи билан тўтиқуш ҳам асрашарди.

Бир куни улар Обен хонимникига меҳмонга ташриф буюришди. Фелисите узоқдан меҳмонларнинг қорасини кўриб, бекани огоҳлантиргани уйга қараб чопди. Бироқ беканинг хаёли мудом ўгли билан банд эди.

Поль бўлса қўлини совуқ сувгаям урмас, отамерос бойликни совуриб, уззукун майхонадан чиқмасди: у товонигача қарзга ботиб борар, ойиси уларни тўлаш билан овора эди. Хонимнинг оҳ-воҳлари ўчоқбошигача етиб келар, Фелисите эса жойидан жилмай бекасига ип йигириб берарди.

Баъзан оқсоч беканинг қўлтиғидан олиб узумзорда сайр қиларкан, улар нукул Виргиния ҳақида гаплашишар, бир-бирининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишарди.

Виргинияга тегишли нарсалар иккита болалар каравоти бор хонанинг деворий шкафига жойланган эди. Обен хоним камдан-кам ҳоллардагина у ерга кирарди. Ёз кунларидан бирида у хонага кириши билан шкафдан куя учиб чиқди.

* мальпост — йўловчи ва почта ташишга мўлжалланган почта улови.

* суперфект — шаҳар ва префектурага тайинланадиган юқори даражадаги ҳукумат раҳбари.

Виргиниянинг қўйлаклари илиб қўйилган бўлманинг те-
пасидаги жавонда учта қўғирчоқ, с е р с о* ўйини, идиш-
товоқлар ва тоғорача бор эди. Обен хоним билан Фелисите
шкафдан қизининг кийим-кечакларини чиқариб каравотнинг
устига ёйиб ташлашди. Чароғон офтоб нурлари остида улар-
даги доғлар яққол билиниб турар, либослар кийилмаганлари-
дан уларнинг тахиям бузилмаганди. Уларга жудоликнинг қай-
гули нуқси соя солиб турар эди.

Хонага илиқ мовий нур таралган, бутун борлиққа инган
теран сукунат кишига ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Баногоҳ улар
момикқина долчинтус духоба қалпоқча топиб олишди. Қал-
поқчани куя илма-тешик қилиб ташлаган, унинг кийгулик жойи
қолмаганди. Фелисите бекадан, қалпоқчани эсдаликка олиб
қолсам майлими, деб сўради. Бир зумда иккаласининг кўзлари
ёшга тўлди. Бека кучоғини очди — оқсоч ўзини унинг бағрига
отди. Улар бир-бирини маҳкам кучганча пиқиллаб йиғлашар,
бир-бирининг дардини аритишга сабъ қилишар эди.

Бунақаси илк маротаба юз бераётгани боис Обен хоним ўзини
анчайин сипо тутиб турди. Фелисите бекадан шу қадар миннат-
дор эдики, гўёки бека бу билан оқсочига буюк эҳтиром кўрса-
таётганди. Ушбу лаҳзалардан эътиборан у хонимга юкунадиган
бўлди, у бекага итдек вафодор эди. Энди Фелиситенинг қалби
бани одамларга эзгу амаллар кўрсатиш ишқи билан ёнади.

Бирда кўчадан барабан садолари эшитилиб қолди: полк
сафарга отланаётганди. У кўча эшик остонасидан туриб ас-
карларни олма виноси билан сийлашга тушиб кетди. У вабо-
га чалинганларга гамхўрлик кўрсатар, толиққан поляк ас-
карларига қарашарди. Ҳатто улардан биттаси унга уйланмоқ-
чийм бўлди. Бироқ аёл уни жеркиб берди. Бир куни эрта
билан қайгадир бориб келди-да, ошхонага кириб олиб ўзи

* серсо — енгил ва юпқа ҳалқачани бир-бирига отиб, тасқча билан
тутиб олиш ўйини.

тайёрлаган винегретни паққос тушираётган аскарнинг устидан чиқиб қолди.

Поляклар жўнаб кетишгач, Кольмиш дегани пайдо бўлди. Айтишларича, у 93-йилнинг хунрезликларида қатнашган экан. У дарё бўйидаги тукилиб битган чўчқахонадан кўним топганди. Болакайлар ёриқ-тирқишлардан мўралаб, чолга тош отишар, бояқишнинг “қув-қув” йўталдан бутун вужуди ларзага тушарди. Сочлари елкасига тушган, кўзининг жияклари еликиб, силласи куриб кетган қария қўлидаги нақ калладай шишни авайлаб ушлаб ётади. Фелисите унга топ-тоза ичкийим топиб берди, олачилини супуриб-сидирди. У, бека кўнганда, бечора чолни иссиққина новвойхонага ётқизиб қўярдим, деб ўйлади.

Чол саратонга чалингани маълум бўлгач, оқсоч уни кунда ювинтириб қўяр, обинонлар билан сийлар, оғилнинг кунгайига похол тушаб авайлаб ётқизарди. Шўрликни оғзидан тупуги сачраб, титраб-қақшаб Фелиситега миннатдорчилик билдираркан, аёл кетаётганда худди ундан айрилиб қолаётгандек, ортидан қўлларини анчага довури узатиб турарди. У омонатини топширгач, оқсоч черковга бориб, марҳумнинг ёдига дуои-фотиҳа тиловат қилдирди.

Ўшанда Фелиситега бахт кулиб боқди: тушлик пайти де Ларсоньер хонимнинг ҳабашни тутиқушни кўтариб келиб қолди. Қуш осма қулфча билан маҳкамланадиган қафаснинг чўп қўндоқчасида ўтирарди. Баронесса бир энлик қоғозга эри префект* этиб тайинлангани ва шу боис бу ердан кўчиб кетаётгани учун тутиқушини ҳурмат-эҳтиром юзасидан Обен хонимга ҳадя қилмоқчилигини айтган эди. Тутиқуш анчадан бери оқсочнинг ҳаёлини банд этиб келарди; зотан у Америкадан келтирилган, демакки шу каломнинг узиёқ унга Викторни эслатиб турар ва у баъзи-баъзида ҳабашдан қушни сўраб қўярди; ҳатто бир дафъа:

* префект — Франция ва бошқа Европа давлатларида олий ҳукумат чиновниги.

— Бекадаям шунақа қуш бўлганда, у бизга нечоғлик севинч бағишлаши мумкин эди, — деганди.

Ҳабаш бирда бу гапни бекасининг қулоғига етказганди. Бекаси ҳам тўтиқушни кўч-кўронига қўшиб қўтариб кета олмас, энди у шу йўсинда қушдан осонгина қутулиб қўймоқчи эди.

IV

Унинг лақаби Лулу эди. Патлари яшилворийдан келган, чақа тангадек ложувард пешонаси ҳамда зарҳал бўйинчаси ўзига бирам ярашиб турардики...

У қўндоқчасини чўқилагани-чўқилаган эди; ўзининг пати-ни юлиб, тезагини ҳар ёққа сочар, сувдондаги сувни сачратиб ўйнарди. Бека безор бўлиб, қушни Фелиситега бериб қўяқолди.

Фелисите қушни сўзлашга ўргатмоқчи бўлди: тез орада у бемалол: “Ҳой болажон! Камтарин қулингиз, тақсир! Салом Мэгий!” деб сўрашадиган бўлди. Қуш эшикни олдидан жой олди. Одамларнинг “Жако!” деб чақиритишига у жавоб бермас, ваҳоланки тўтилар шу ном билан аталарди. Уни “Фулғун” дейишди, “Тунка!” дея масхаралашди. Бу лақаблар аёлнинг юрагига ханжардек ботарди. Лулу бўлса аллақандай кажбаҳслик билан индамай тураверарди.

Шунга қарамай тўтиқуш ғала-ғовурни яхши кўрарди; бозор кунлари гап-гаштакларнинг “қаймоғи бўлган” ойимтилла Рошфейлар, ж. Де Гупвил ҳамда хонадоннинг кундашундалари — аптекачи Онфруа, ж. Варён ва капитан Матье ҳаммаси биргаликда қарта ўйнашар, Лулу бўлса жиннилик қилиб жазавага тушганча қанотларини деразага ура бошларди.

Буренинг андоми қушга ниҳоятда кулгили туюлса керакки, тўти уни кўрган заҳоти ўзини тўхтата олмай кула бошлар, унинг кишиларникига ўхшаб кетадиган қаҳқаҳаси ҳаммаёқда акс-садо берар, қуни-қўшнилари ҳам деразаларидан бошларини чиқариб унга қўшилиб хаҳолаб кетишарди. Тагин тўтиқуш мени

кўриб қолмасин деган хавотирда ж. Буре бетини шляпаси билан бекитганча, девор ёқалаб чорбоғ даричасидан кириб борарди-да, ичкарига шўнғиб кетарди.

Бошини гўшт дўконидаги боланинг саватига суққани учун Лулу ундан бошлаб чертки еди; шу-шу у пайт пойлаб, қўйлагининг устидан бўлсаям болани чуқиб-чуқиб олади. Гарчанд қаҳри қаттиқ бўлмаса-да, чакка сочларини ўстириб, елкаси ва қўлларига алланималарни чизиб олган сўхтаси совуқ Фабю, бир кун келиб бошчангни сапчадай узиб ташлайман, деб қушга дағдага қилди. Аксинча Фабюга Лулу ёқарди, у эрмак учун қушни сўкишга ўргатмоқчи бўлди. Даҳшатга тушган Фелисите уни ошхонага олиб кириб қўйди. Занжирчаси ечиб қўйилган қуш энди бемалол уйни айланиб юрарди.

Лулу чангаксимон тумшугини зинанинг четига тираб, аввал ўнг, сўнгра чап оёқчасини кўтариб пастга туша бошларди. Ишқилиб бунақанги машқдан тўтининг боши айланиб пастга думалаб кетмаса гўрга эди, деб кўрқарди Фелисите.

Кейин Лулу бирдан оғриб қолди: на ея олади, на гапирарди. Маълум бўлишича, товуқларга ўхшаб тилининг остидан ўсимта ўсиб чиққан экан. Фелисите шишни юлиб олиб ташлагач, тўти тузалиб кетди. Бирда ж. Пупар бехосдан унинг тумшугига тутун пуфлаб юборди; бошқа сафар Лормо хоним зонтигининг учини унга нуқиб, роса гашига тегди.

Нима бўлди-ю, бир куни тўти йўқолиб қолди. Очиқ ҳавода ўйнаб яйрасин деб Фелисите Лулуни чорбоққа қўйиб юборган, ўзи бирровга кўчага чиққан эди. Қайтиб келиб қараса — тўти-қуш йўқ! Оқсоч ҳаммаёқни тинтиб чиқди — буталар орасини, томларнинг устини, дарё ёқасини ахтарди, беканинг:

— Эҳтиёт бўлсангиз-чи, нима баю, эсингиз жойидами ўзи? — деб бақирганигаям қарамасдан, чордоқларни чиқиб кўрди.

Пон-л' Эведаги чорбоғларнинг барига кириб чиқди.

Олдидан ким чиқса: ол таҳоратингни, бер кавушимни дегандай, тўтиқушини сўроқлади. Билмаганларга уни тасвирлаб

берди. Бир пайт хаёлига бирдан яшилпат парранда тегирмон ортидаги тепалик атрофида учиб юргандек бўлиб туюлди. Бироқ у ерда ҳам тўтиқуш йўқ экан! Хат ташувчи, ҳозиргина қушни Сен-Мелендаги Симон кампирнинг дуконида кўрдим дейиши билан оёғини қўлга олиб ўша ёққа югурди. У ердагилар мунчоқ йўқотган соқовдек ғўлдираётган аёлнинг гапларига муглақо тушунишмади. Ниҳоят бошмоғининг ийиғини чиқариб, силласи қуриб ғам-ғуссага ботганча уйга кириб келди; сўнгра ўриндиққа — бекасининг ёнига чўкиб, бошига не савдолар тушганини бир бошдан сўйлай кетди. Бир маҳал гоздай енгил нарса кифтига келиб қўнгандай бўлди — бу Лулу эди! “Қаёқларда дайдиб юриб эдинг? Бир айланиб учиб келай дебсан-да!”

Бу кўргиликдан Фелисите базўр ўнглиниб олди, — тўғрироғи ўшандан сўнг у қайтиб ўзига келмади.

Кўп ўтмай кунлар совиб у тумовга чалинди, қулоғи огрийдиган бўлди. Уч йилдан кейин қулоқлари куллан том битиб, ҳатто черковда ҳам бақириб гапирадиган ҳолга келди. У покдомон инсон эди, зеро у зигирдек гуноҳ иш қилган тақдирдаям, у маъсийат ҳисобланмас ва бу нарса Фелиситенинг бетини ғамгин эта олмасди. Шунга қарамай, у черковга бориб истиғфор келтирди.

Қулоқлари шанғиллаб, эси кирди-чикди ҳолга келган оқсочни бека бўлар-бўлмасга уришаварди.

— Худо урди-кетди, намунча галдирсиз-а!

Койишларга тушунмаган Фелисите:

— Шундай, хоним, — деганча каловланар эди.

Буларсиз ҳам ақли қасир аёлнинг мияси айниб бораварди: буқалар бўқириши ва жом садоларини у энди эшитмас, назарида жумлаи-жаҳон кўлага-шарпаларга ўхшаб сассиз-содосиз ҳаракатланаётганди. У энди Лулунинггина овозини эшитарди.

Гўё аёлнинг дилини хушламоқчидай, Лулу урчуқнинг товушини чиқарар, рўпарадаги балиқфурушга ўхшаб бақириб ча-

қирар, дурадгорнинг аррасидек визиллар, иттифоқо куча эшик қўнғироғи жиринглаб қолса, Обен хонимга таассуб қилиб:

— Фелисите эшикка қаранг, эшикка! — деб қичқира бошларди.

Лулу нуқул ўзига ёд бўлиб кетган учта иборани қайтарди. Гарчи аёл пойинтар-сойинтар жавоб берса ҳам, оғзидан чиққан ҳар бир каломга бутун қалб қўрини тўкиб соларди. Шу пайтгача ўзини бутунлай ёлғиз санаб келган аёлга Лулу энди жигаргўша ёки севиқли ёр мислида эди. Қуш унинг шаҳодат бармоғига чиқиб олиб, дудоқларидан чўқилар, бошидаги дуррасини тортқилаб уйнардди. Аёл худди энагадек унга энгашган лаҳзаларда, каллапўшининг қанотлари тўтининг қанотчалари билан бир маромда тебранишга тушарди.

Осмонни қора булутлар чулғаб, момақалди роқ қарсиллаган лаҳзаларда, тўтиқуш ўзининг қадрдон ўрмонлари ва жала-ёмғирларни эслаган бўлса ажабмас. Сувнинг шилдирашидан юраги ҳапқирқан тўти жиннига ўхшаб ўзини ҳар ёққа ура бошлар, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб деразадан чорбоққа учиб чиқарди-да, қўлмак сувда ағанаб-яйраб, хиёл ўтмай тагин ичкарига учиб кирар, каминнинг панжарасига қўниб олиб, гоҳ тумшуғи, гоҳ думини ликиллатганча ўзини қуритарди.

1837 йилги қишнинг қаҳратонида Фелисите тўтиқушни совуқдан сақлаш учун каминни олдига келтириб қўйди, бироқ бирда эрталаб уни ўлиб ётган ҳолда топди: тўти бошини осилтирганча қафасда қотиб ётар, оёқлари билан инининг темир чўпларини чангаллаганча жон берган эди. У миясига қон қўйилиб ўлган бўлиши мумкин. Ҳойнаҳой унга дориланган кашнич беришган деган шубҳага борди аёл, ашёвий далиллар йўқ бўлса-да, у Фабюдан гумон қилди.

Йиглайвериб бекани хит қилиб юборгач, хоним:

— Бўлди-да энди! Намунча дийдиё қилмасангиз! Шунчалик яхши кўраркансиз, қушни жасаидан тулум ясаиб олақолинг, — деди.

Оқсоч тўтиқушга меҳр қўйиб қолган аптекачиға маслаҳат солди. У гаврлик Фелаше деган устага хат ёзиб берди. Жавоб хати етиб келгач, қушнинг жасади йўлда йўқолиб кетмасин деб, Фелиситенинг ўзи уни Гонфлёргача етказиб берадиган бўлди.

Йўл четидаги олмаларнинг шоҳлари яланғоч, зовур сувлари музлаб ётарди. Фермалар ҳовлисидан қўриқчи итлар акиллаганча чопиб чиқишарди. Фелисите саватини билагидан ўтказиб олиб, совқотган қўлларини плашининг ичидаги ихчамгина сабо*га тиқиб тош йўлнинг ўртасидан жадал кетиб борарди. У ўрмонни кесиб чиқиб О-Шенни ортда қолдирди ва яна анча йўл юриб, ниҳоят Сент-Гатьенга етиб келди.

Кетидан чанг-тўзон кўтариб, м а л ь п о с т* қуюндай етиб келарди. Жувон ўзини четга тортмаётганини кўриб, чиптачи деразадан бошини чиқариб қаради. Жировдор бўлса тўрт от қўшилган уловни осонликча тўхтата олмаслигига кўзи етиб жон ҳолатда бақирар, хуркиб кетган отлар янаям тезроқ чопарди. Олддаги икки от аёлга сал тегиб ўтди; жировдор тизгинни қаттиқ силтади; улов аёлга жудаям яқин келган лаҳзада қўлидаги узун қамчисини жаҳл билан қиялатиб унинг бошига урди. Фелисите ерга юзтубан йиқилди.

У ҳушига келиб, дафъатан саватини очиб қаради, — яхшиям Лулуга шикаст етмапти. Бироқ ўзига нимадир бўлган, ўнг ёноғи ловуларди. Қўлини бетига тегизди, — ёноғидан қон оқётганди.

Фелисите йўлнинг четидаги тош уюмига бориб ўтирди ва рўмолини ечиб ярасига босди. Кейин ҳар эҳтимолга қарши саватига солиб олган нондан ушатиб еди. Саватдаги қушга нигоҳи тушиб, жароҳатини ҳам унутиб юборди.

Оқсаб-тўқсаб Экемонвиль қоясига чиқиб олгач, Гонфлёр чироқларига, тун зулматида милтиллаётган саноксиз юлдузларга

* Сабо — чўнтаксиз плаш ва пальтоларда ичига қўллар тиқиб олинадиган энгсимон нарсаси.

* Мальпост — йўловчилар ва почта юклари ташиладиган улов.

боқди. Олисадаги бепоён денгизни туман оғушига олган. Мадор-сизликдан оёқлари иродасига бўйсунмасди. Ғам-ғуссада кечган болалиги, саробга айланган муҳаббати, жиянининг қайтмас бўлиб кетиши, Виргиниянинг вафоти — ҳаммаси соҳилга қайтаётган долғалар каби жолаларига қўшилиб томоғидан бўға бошлади.

У Гаврга сузиб кетаётган кема сардори билан гаплашиб, нима жўнатаётганини айтиб ўтирмасдан унга манзили ёзилган қоғозни берди.

Фелаше тутиқушни ўзида сақлаб юрди. У тулумни ясаб келаси ҳафта жўнатиб юбораман, деб анчағача уни алдаб юрди. Ярим йил ўтиб, тулумни қутига жойлаб жўнатиб юбордим, деган хабар билан қуш изсиз йўқолди. Назарида Лулу энди ҳеч қачон қайтиб келмайдиганга ўхшарди. “Ҳойнаҳой, ўғирлаб кетишган”, деган хаёлга борди у.

Ниҳоят тутиқуш қайтиб келди, — қойилмақом тулум бўлганди-да ўзиям! Лулу аргувон оғочидан ясалган пояга маҳкамланган бутоқда битта оёғини кўтарганча бошини хиёл буриб, тумшугида ёнғоқ тишлаб турарди. Уста ҳою-ҳашамга қизиқса керак шекилли, ёнғоққа тилла суви югуртириб чиққан эди.

Фелисите қушни ўзининг хосхонасига бекитиб қўйди. Меҳробга ҳам, ашқол-дашқол бозорига ҳам ўхшаб кетадиган хосхона топиниш буюм-анжомларига тўлиб кетганди. Катталигидан шкаф яхши очилиб-ёпилмасди. Битта дераза чорбоққа, рўбарўдаги думалоғи бўлса ҳовлига қараб очиларди. Йиғма каравотнинг ёнгинасидаги столнинг устида сув солинган кўза, бир жуфт тароқ ҳамда сири кўчган ликопчада бир кулча ҳаворанг совун ётарди. Деворга тасбеҳ ва медаллар, бокираи мухтарама Биби Марям сурати, кокос ёнғоғидан ясалган к р о п и л о* — сув сачратгич михга осиб қўйилган эди. Гуё у шоҳсупадек, устига мовут тўшаб қўйилган комоднинг устидан бўлса Виктор

* кропило — диний маросимларда муқаддас сув сепиладиган идиш ва чўткаси.

совға қилган чиганоқли қутича ва гулчелак, копток ва хусни-хат дафтари, шунингдек суратли жуғрофия китоби ҳамда Виргиниянинг бошмоқчаларигаям жой топилганди. Кўзгунинг ёнидаги михга бўлса, Фелисите ўша момик қалпоқчани тасмасидан илиб қўйиб эди. У кўз қорачиғидек асраб келаётган буюмлар ичида ж. Обеннинг сюртуғи ҳам бор эди. Обен хоним керак-сиз топган эски-тускиларнинг барини у ўзининг хонасига киритиб олди.

Комоднинг бир кунжидан сунъий гуллар ҳамда рамкадаги граф д'Артуанинг сурати ўрин эгаллаган.

Тахтачага маҳкамлаб қўйилган Лулу каминнинг устида турибди. Фелисите ҳар тонг уйғонаркан, мутлақо хотиржам ва беғам ҳолда кечмишининг аҳамиятга молик бўлмаган воқеаларигача эслаб кетди. Ҳеч ким билан тиллашмай, худди ойжинига ўхшаб қандайдир қарахт ҳолатда яшаб келмоқда эди у. Фақат Исойи Масиҳо Вужуди шарафига ўтказилаётган маросим кунларида унга жон кириб қоларди. Фелисите уйма-уй кириб шоҳсупани безатишга қўни-қўшнилардан шам ва пояндоз териб чиқади.

Черковда бўлса у зингил қараш билан Муқаддас Рухни ўзининг тўтиқушига қиёслар ҳамда уларнинг ўртасида озроқ ўхшашлик топарди. Фелиситенинг наздида Муқаддас Рух ҳам қирмизи қанотчалари ва жажжи зумуррад вужуддан иборат Лулуга қўйиб қуйгандек ўхшаб кетарди.

Фелисите санам сотиб олиб, уни илгари граф д'Артуанинг портрети турган жойга осиб қўйди. Энди аёл Муқаддас Рухга ҳам, Лулуга ҳам бирдек буюк эҳтиром кўрсатадиган бўлди. Маликул Мутлақ кабугарлардан пайғом элтувчи сифатида фойдалана олмасди, — чунки улар гапира олмайдилар. Индаллосини айтганда, Тангри шу мақсадда Лулунинг аждодини танлаган. Фелисите санамга топиниш баробарида, вақти-вақти билан тўтиқушга ҳам назар солиб қўяр эди.

У сочини қирдириб ташлаб монастирг кетмоқчи бўлганида, Обен хоним бундай қила кўрманг, деди.

Обенлар хонадонида муҳим воқеа рўй берди: Поль уйланди.

У ким бўлиб ишламади дейсиз: нотариус ходими, савло идораси ҳамда божхона хизматчиси, солиқ идораси нозири ва ўрмон хўжалиги идорасида иш юритувчи... Ўттиз олти ёшида худди Яратганнинг Ўзи кушойиш бергандек, ўзига муносиб иш топиб олди: эгри солиқлар шўъбасига хизматга кирди. Полнинг жонбозлигига тан берган инспекция назоратчиси уни ўз қаноти остига олиб, унга ўз қизини бериб қўя қолди.

Анчайин қўйилиб қолган Поль хотинчасини олиб ойисини кўргани келди. Лекин ёш хотин Пон-л' Эвек расм-русумларини назар-писанд қилмади, у ерда неча кун турган бўлса, Фелиситенинг носирини ерга букиб келди. У қайтиб кетгачгина, Обен хоним енгил тин олди.

Ҳафта ўтиб ж.Буренинг қуйи Бретани мусофирхонасида қазоси етгани ҳақида хабар келди. Кирдикорларининг носогига чидолмай у ўз жонига қасд қилганди. У ўзига билдирилган ишончни суистеъмол қилиб, ижара тўловларини ўзлаштириб юборган, ўрмон оғочларини хуфиёна сотган, ҳужжатларда сохта имзо чеккан, бу ҳам етмагандай, дозюллик аёл билан “донлашиб” юриб, ундан ноқонуний фарзанд орттириб олган экан.

Обен хоним бу шўришу гавғоларни кўтара олмади. 1853 йилнинг мартада сийнаси қаттиқ оғрий бошлади, гуё қурум босгандек тили гунгурт тус олди. Врач бўғилишга қарши зулук солди, у ҳам наф бермади. Бор-йўғи тўққиз кун ётгач, кунни битиб омонатини топширди.

Чечакдан чўғирлашган бетлари тупроқ ёққандек тусда эсада, қонсиз чаккаларини ёпиб турган тийра сочлари бекани бир оз ёш кўрсатарди. Калондимоғлиги ва кеккаймахонлиги вадан уни сўнгги йўлга кузатгани жуда кам одам келди.

Фелисите бекасига шунчалик куйдики, бу дунёда биров унинг-чалик сўзона бўлмагандир. Хоним ундан бурун вафот этганини оқсоч миясига сиздира олмаёттанди. Асло бундай бўлиши мумкин эмас, ҳориқуллда ҳодиса эди хонимнинг ўлими унинг наздида.

Бузансондан Пон-л' Эвакка ўн кунда етиб келган меросхўрлар дарров ишга киришиб кетишди. Ҳаммаёқни тинтиб чиққан келин мебелларнинг бир қисмини ўзига ажратиб олиб, қолганини чиқариб сотди ва ҳаммаси тезда ортларига қайтиб кетишди.

Беканинг кажава оромкурсиси, иш столчаси, саккизта стул ва грелкаси бирдан ғойиб бўлди. Гравюраларнинг бўшаб қолган девордаги ўрни тўртбурчак бўлиб сарғайиб турарди, холос. Меросхўрлар болалар каравотлари, шкафдаги Виргинияга тегишли нарсаларнинг барини олиб кетишди. Аламига чидолмаган Фелисите “оҳ-воҳ!” қилиб, ўзини ҳар ёққа урди.

Эртаси куни кўча эшикда “Уй сотилади!” деган эълон пайдо бўлди: бу хабарни аптекачи бақариб оқсочнинг қулоғига етказганда, у гандираклаганча ўтириб қолди.

Боёқиш Лулуни хилват гўшасидан мосуво этиш унга жудаям огир эди. Дилгир нигоҳини ундан узолмай, аёл Муқаддас Рухга илтижо қилар, мажусийлар каби тўтиқушнинг пойига чўк тушиб юкинарди. Чувоқ нурлари деразадан тўғри тулумнинг шиша чашмига тушиб, у фавқуллда суратда чақнаб кетган лаҳзаларда Фелиситенинг қалби завқ-шавққа тўлиб кетарди.

V

Беканинг васиятига кўра, Фелисите йилига уч юз сажон франк нафақа оладиган бўлди. Томорқа сабзавот билан таъмин этса, беканинг кийим-кечаклари унга умрининг охиригача етиб ортади: чироқ ё шамга бўлса мутлақо зарурат йўқ эди — товук қўноққа чиқмасдан у ухлагани ётарди.

Сотувга қўйилган Обенларга тегишли эски мебелларни кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деб Фелисите деярли кўчага чиқ-

май қўйди. Гонфлёр йўлида ёмон йиқилганидан бери у оёғини судраб босар, вужудини куч-қудрат тарк эта бошлаганди. Дўкон-часида қариб-чириб бораётган Симон кампир ҳар тонг унга ўтин ёриб, қудуқдан сув тортиб бергани келади.

Фелиситенинг кўзлари яхши кўрмай қолди. Деразалари яхши очилмаганидан у яланг нимқоронғи уйда ўтирарди. Кўп йиллар ўтиб кетса ҳамки, уйни сотиб ёки ижарага оладиган киши чиқмади. Меросхўрлар қувиб юборишмасин тагин деб, Фелисите уни таъмирлашгаям сабъ қилмади. Томидан чакка ўтгани учун қиш-қировли кунларда тушагининг бош томони қуримас эди. Пасхадан сўнг унинг соғлиғи ёмонлашиб қон тупура бошлади.

Симон кампир уни докторга кўрсатди. У “Менга нима бўлаяпти ўзи?” деган иштибога борди. Қулоғи том битганидан “Ўпка яллиғланиши” деган таниш сўзларнигина эшитди, холос.

— Ҳа, бекамни дардидан экан! — деди у синиқ овозда.

Бекасига эргашиш вақти келганида у ҳеч қандай ғайри савқи табиийлик кўрмади.

Шоҳсупаларни тиклаш куни яқинлашмоқда эди. Биттаси яккаш тепалик ён бағрида, иккинчиси почтанинг олдида, учинчиси — кўчанинг ўртариғида қад кўтарарди. Учинчи шоҳсупанинг ўрни хусусида анча-мунча тортишувлар бўлди, бироқ охири аёл қавмлар Обен хонимнинг ҳовлисини танлашди.

Бўғилиш ва безгак Фелиситенинг силласини қуритмоқда эди. У шоҳсупани безашда қатнаша олмаслигидан ўксизланар: “Қанийди мен ҳам унинг пойига нимадир қўя олсам?” — деб орзуманд бўларди. Шунда бирдан ёнига тутиқуш келди. Қўшни аёллар: “Бўлмайди! Бу шаккоклик!” дейишди. Бироқ руҳоний розилик билдириб, бу билан Фелиситени хушбахт қилди. Қазоним етгач, бирдан-бир сарватим-лулуни ўзингизга олсангиз, деб оқсоч ундан илтимос қилди.

Рухуллоҳ Вужуди байрами арафасида Фелисите тинмай йўтала бошлади. Шанба куни кечга бориб авзойи бузилди: иринлари юмилиб, ўқчиб-ўқчиб қайт қилиб ташлади. Тонгга бориб бадгар ёмонлашгач, руҳонийни чақириб келишди.

Танасига зайтун мойи суриш маросимида учта жафокаш аёл иштирок этди. Бир маҳал Фелисите Фабюга айтар гапим бор эди, деди. Фабю бу пайтда байрам либосларини киймоқда эди. Нохуш манзарани кўриб унинг таъби тирриқ бўлди.

— Маъзур тутинг, — қўл чўзишга ўзида зўрға куч топа олган Фелисите унга деди, — шу чоққача қушни сиз ўлдиргансиз деб юргандим.

Ана холос! Фабюдек мусичаи беозор бандани қаттолликда айблашса-я. Фазаби қайнаб ғалва кўтармоқчиём бўлди у.

— Кўрмайпсизми, ахир у эсини еб қўйган-ку! — Фелисите алаҳсирай бошлагач, жафокаш аёллар чиқиб кетишди.

Сал ўтиб томоқ еб ўтирган Симон кампир Лулуни кўтариб келди-да, Фелиситега тутди:

— Қани, энди у билан видолашинг!

Гарчи тўтиқушдан асар ҳам қолмаган бўлса-да, қурт-қумурсқалар хануз кемирмоқда эди, уни: Лулунинг битта қаноти синган, курсоғидан каноп лослари осилиб тушиб ётарди. Фелисите энди буларни кўрмаётганига қарамай, тулумнинг чақадек пешонасидан ўпиб, ёноғига босди. Шоҳсупанинг пойига элтиб қўйиш учун Симон кампир Лулуни қўлига олди.

VI

Ёбонлардан ёз ифори таралади: арилар ва қўнғизларнинг қўнғиллаб учгани эшитилади; дарё суви қуёшда ярқираб кўрилади; томларнинг черепицалари тандирдай қизиган. Симон кампир мудраганча Фелиситенинг тепасида ўтирибди.

Кампирни жом садолари уйғотиб юборди, шом ибодати ўқиб бўлинди. Фелисите алаҳсирамай қўйган, фикри-ёди байрамда бўлиб, назарида унинг ўзиям унда қатнашаётганга ўхшарди.

Кўча майдонидан толиблар, хонишчилар ва ўт ўчирувчилар ўтиб боришади: ҳаммадан илгарида қўлида ойболта тутган дарбон ҳамда катта бир хочни боши узра кўтариб олган пономар* иккаласи одимлашмоқда. Кейинроқда ўғил болаларни кузатиб келаётган эркак муаллим ва толиба қизларга беркитиб қўйилган роҳибани кўриш мумкин; жингала сочлари ҳуру гилмонларникига ўхшаб кетадиган учта жажжи қизалоқ атиргул гулбарглари сочиш билан андармон; черков хорининг дирижёри чолғучиларга қараб дастини чўлғаб-чўлғаб одимлайди; икки нафар черков хизматчиси ичига кундур тутатиб қўйилган мижмарни кўтариб олишган; улар ҳар қадамда муқаддас сила ташланадиган совғадонга қараб қўйишади; силадонни бўлса хушбичим жуббага ўраниб олганча, устига қирмизи духоба ёпилган тахтиравонда ўтириб кетаётган руҳоний илкида тутиб боради; тахтиравонни черков жамоасининг тўрт нафар аъзолари кифтларида кўтариб юришади. Деворлари оппоқ уйлар оралиғидан намоёнчиликчилар оқими чиқиб келишмоқда. Ниҳоят маросим иштирокчилари тепалик ёнбағрига етиб боришди.

Фелиситенинг чаккаларини совуқ тер қоплади. Симон кампир сочиқ билан терни артиб ташларкан, бир кун унгаям қазову қадар етиб келишини эслаб қўйди.

Милтиқ овозидан деразалар зириллаб кетди. Одамлар табаррук эҳсонларга шукрона келтирмоққа бошладилар. Фелисите чашмини Симон кампирга қаратиб:

— Лулу яхшими?— дея базўр сўради.

* пономар — православ черковида паст даражали руҳоний.

— Ҳолати разм бошланди, — Фелиситенинг гарғараси жадаллашиб кўкси тез-тез кўтарилиб тушаверди. Даҳанининг жияклари кўпириб бутун вужудини қалтироқ босди.

Мана созлар чалиниб, ҳаммаёқни болаларнинг кўнги-роқдай жарангли ҳамда эркакларнинг паст хониши тутиб кетди. Вақти-вақти билан куй-қўшиқлар тиниб, гўё моллар подаси яйловдаги ўт-ўланларнинг устидан босиб-янчиб ўтаётгандек, гул-чечакларни оёқларининг тагида қолдириб, шундан одамларнинг қадам ташлашлари бўғиқ садо бераётганини илғаш мумкин эди.

Ҳовлига уламолар кириб келишди. Қани, деразадан бир қараб боқай-чи, деган мақсадда Симон кампир курсига чиқди, — у шоҳсупадан-да юксакка кўтарилиб кетганди.

Шоҳсупани анвои гул-чечаклар билан ўраб чиқишган, гирдига эса инглиз ипак тўри кўрк бўлиб тушган. Ўртага азизу авлиёларнинг ҳоки туроби сақланадиган ихчам сағана қўйилган, унинг икки кўнжида икки тўп пўртаҳол кўчати, бо яна ҳаммаёғини айлантириб кумуш чироқпоялар, шунингдек оғзидан тароватли хушбўй лаванда, гортензия, атир-салла-чинни-гуллари даста-даста бўлиб чиққан чинни гулдонлар терилиб турарди.

Баландлиги икки қаватли уйдек шоҳсупадан нишаб бўлак орқали поёндоз тўшалган майдонга тушиб келиш мумкин. Қопқоғи бинафшасимон тожга ўхшаб кетадиган зарҳал қандон, ясама йўсинларнинг устида ярқираб турган алонсон олмосларидан қилинган зебигардон, сиртига табиат манзаралари чизилган тик турғич иккита хитойи парда киши диққатини тортади. Атиргулларга кўмиб ташланган Лулунинг тирноқдек ложувард манглайчасигина кўриниб турар эди.

Черков жамоаси аъзолари, хонишчилар ҳамда болалар ҳовлининг уч томонидан жой олишди. Сарроҳиб пиллапоялардан аста-секин кўтарилиб бориб, ипак тўрнинг устига чўгдек ёниб

турган катта олтин силадонни қўйди. Ҳамма бирваракайига чуқур таъзим бажо келтирди. Борлиқ сукунат оғушига чўмди. Занжирчалар билан боғлаб қўйилган мижмарлар ҳаволаниб кундур иси тарата бошлади.

Фелисите ётган хонага ҳам мовий тутун сизиб кирди. Унинг бурун катаклари керилиб, илоҳий бир фараҳда кундур исини ичига тортишга тушди, сўнгра у чашмини юмиб олди. Дудоқлари табассумга мойил шаклга кирди. Юрак уриши дам-бадам заифлашиб, баайни суви тугаб бораётган фавворадек, уни ўчаётган акс садодек яна тушуниксиз, тагин гам илғаш қийин бўлган ҳолатга яқинлашмоқда эди.

Фелисите жон таслим қилаётган сўнгги лаҳзаларда унга арши аъло ланг очилиб, унинг тоқидан баҳайбат тўтиқуш учиб чиқиб боши узра парвоз қилаётгандек туюлди.



Адабий-бадиий нашр

ГЮСТАВ ФЛОБЕР

СОДДАДИЛ

Қисса

Муҳаррир *Шойим Бўтаев*

Бадиий муҳаррир *Ақром Баҳромов*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*